

# Рамазон ойи рўзасини тутмаган одам гуноҳкор бўлади



18:30 / 24.04.2021 3891

لأقْ مَلَسَ وَهِلَعُ هَلَلا إِلَصَ يَبْنَلِنَعُ ، هَنَعُ هَلَلا يَضَرَّهُ رَهْيَرُهْ يَبْأَنَعُ  
هَنَعُ صَنَقَيْ مَلُهَلُهَلَلا أَهَصَّهَرَهَصَّهَرَهْ نَمَنَاصَمَرَنَمَمَوَيَرَطَفَأَنَمَ  
أَمَلَسُمَمَلَلِهَسَمَحَلَلِهَمَاوَرَهَمَاصَنَأَوَرَهَمَدَلَلِهَمَأَيَصَ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Ким Рамазондан бир кунни Аллоҳ берган рухсатсиз оғзи очиқ ҳолда ўтказса, умрбод рўза тутиб ўтказса ҳам, унинг қазосини адо эта олмас», дедилар».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

Шарҳ: Маълумки, бемор, мусоғир, қари кишилар, шунингдек, ҳомиладор ва эмизикли аёллар ҳам рўза тутишлари узрли бўлган кишилар ҳисобланади. Мазкур тоифалардан бошқалар, албатта, Рамазон ойи рўзасини тутишлари шарт. Рамазон ойи рўзасини тутмаган одам гуноҳкор бўлади. Узрсиз бир кун рўзани тарқ қилган одам умр бўйи рўза тутиб ўтса ҳам, ўша рўзасини

тутмаган куннинг савоби ўрнини тўлдира олмайди. Чунки фарз рўзани ўз вақтида тутиш инсонни жуда ҳам катта савобга сазовор қилувчи нарсадир.

Имом Молик ва Имом Абу Ҳанифаларнинг мазҳаблари бўйича Рамазон рўзасидан бир кунни узрсиз тутмаган одамга юқоридаги ҳадисдаги Рамазонда хотинига жинсий яқинлик қилган кишига кўрилган каффорот чоралари жорий қилинади.

**«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди**